Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2016 йил **27 январь**
ЧОРШАНБА
**№ 9** (12853)

www.th.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Тадбиркорлик

## БУЮРТМАЧИ ВА ҲАМКОРИ КЎП

**Оҳангарон туманидаги "KEO SUNG TEXTILE" масъулияти чекланган жамиятида 30 турдаги аёллар ва болалар кийимлари тикилмоқда.**

Давлатимиз раҳбарининг "2013-2015 йилларда Тошкент вилояти саноат салоҳиятини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори асосида ташкил этилган мазкур корхонага 220 миллион сўм инвестиция киритилиб, Кореядан келтирилган замонавий русумдаги бичиш, тикиш, дазмоллаш машиналари ўрнатилди.

Ўтган йили корхона тиббиёт, қурилиш ва дори тайёрлаш саноатида зарур бўладиган иш кийимлари тикишни бошлаган эди. Натижада 500 миллион сўмлик иш бажарилди. Бу йил йирик ҳамкорларнинг буюртмалари асосида маҳсулот янада кўпайиши кутилаяпти.

Корхонада маҳалланинг 40 тикувчиси махсус иш кийимлари ҳам тикаяпти. Кўпроқ буюртма асосида ишлайдиган корхона айни пайтда Андижондаги "Ўз-Корам Ко", Самарқанддаги "MAN" фирмалари ҳамда "СанитаФарм", "JURABEK", "НикаФарм", "RADIKS" каби дори ишлаб чиқариш фирмалари билан шартнома имзолаган. Ҳамкорлар талабига жавоб бериш учун дастлаб маҳсулот сифатига эътибор берилаяпти.

– Корхонамиз қошида савдо дўкони ҳам ташкил қилганмиз, – дейди иш юритувчи Нигора Ли. – Негаки, ишлаб чиқараётган маҳсулотларимизни маҳалла аҳолисига ўз нархида етказиш асосий мақсадларимиздан бири. Шу боис харидорлар учун қулай шарт-шароит яратилган.

**Бектош ИСМОИЛОВ.**
**Мансур НАХАЛОВ олган сурат.**



Маънавият

## МУНОСИБ ВОРИСЛАР КАМОЛИ УЧУН

**Эртанги кун ғамини ейиш, ўзидан кейин муносиб авлод, баркамол зурриёт қолдиришдек эзгу орзу билан яшайдиган халқмиз. Мустақиллик йилларида миллатимизга хос бўлган бу олижаноб фазилатнинг асл мазмун-моҳияти янада ёрқин намоён бўлди.**

Миллат генофонди софлиги, соғломлиги учун қайғуриш, шу йўлда бор имкониятларни ишга солиш, мақсад сари астойдил интилиш ўз самарасини кўрсата бошлади. Яъни, истиқлол йилларида "Оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш" масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бу ҳақда мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимда шундай деди: "Биз мустақилликка эришганимиздан сўнг соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, биринчи навбатда, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш масаласини ўзимиз учун энг муҳим, устувор вазифа сифатида белгилаб олдик.

Бу соҳада зарур ҳуқуқий-меъёрий базани такомиллаштириш, миллат генофондини яхшилаш, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш борасида қандай улкан ишларни амалга оширганимиз барчамизга яхши маълум, албатта".

*(Давоми 2-бетда).*

Мунособат

## ФЕРМЕРЛАРИМИЗГА КУЧ-ҒАЙРАТ БАҒИШЛАДИ

**Муҳтарам Президентимиз мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида қишлоқ хўжалигига алоҳида тўхталиб, ўтган мавсумда эришилган натижалар, қўлга киритилган ютуқларни сарҳисоб қилар экан: "Буларнинг барчаси фидойи деҳқон ва фермерларимиз, барча қишлоқ хўжалиги ходимларининг машаққатли ва шарафли меҳнати маҳсулидир, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз" дея таъкидлаганларида, аввало, барча фермер ва қишлоқ меҳнаткашларимиз қатори бизнинг қалбларимиз ҳам чексиз фахр ва ифтихорга тўлди.**

Республикамиз ғалла хирмонининг 7 миллион 500 минг тоннадан ошиб кетиши, 3 миллион 350 минг тоннадан ортиқ "оқ олтин" хирмонининг бунёд этилиши, шунингдек, 12 миллион 592 минг тонна сабзавот ва картошка, 1 миллион 850 минг тонна полиз маҳсулотлари, 1 миллион 556 минг тонна узум, 2 миллион 731 минг тонна мева етиштирилишида, бир сўз билан айтганда, қишлоқ хўжалигида эришилган ушбу муваффақиятларда вилоятимиз фермер хўжаликларининг алоҳида ўрни ва салмоқли улуши борлигини ўйлаб, ғурурландик.

Жумладан, Юртбошимиз таъкидлаганларидек, мураккаб об-ҳаво шароити кузатилган, чунончи, март ойлари охирларида ҳавонинг кескин совиши ғаллакорларимизни, кучли гармсел шамоли эсган ёз ойларида эса ҳароратнинг кескин кўтарилиши пахтакорларимизни яна бир бор имтиҳон қилган ўтган мавсумда ҳам вилоятимиз фермерлари 557 минг тоннага яқин ғалла, 237 минг тоннадан ортиқ пахта, 222,8 минг тонна сабзавот ва картошка, 107,9 минг тонна полиз маҳсулотлари, 99,4 минг тонна узум ҳамда 111,4 минг тонна мева етиштиришди. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган 25 та корхона ҳамда аҳолини асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш имконини берувчи 16 та совутгичлар барпо этилди.

Юртбошимиз маърузаларида фермерлик ҳаракати тарихида такрорланмаган ва унутилмас воқеага айланган фермер хўжаликлари экин майдонларини мақбуллаштириш жараёнига тўхталиб, янгидан ташкил этилган фермер хўжаликлари, яратилган иш ўринлари, бир сўз билан айтганда, оптималлаштириш жараёнининг самараси жиҳатидан вилоятимизни алоҳида эътироф этгани қувонарли ҳол албатта. Чунончи, вилоятимизда бу жараёнга қадар олти минг икки юздан ортиқ фермер хўжаликлари мавжуд бўлса, уч мингга яқин фермер хўжалигининг 129 минг 920 гектар ери мақбуллаштирилиши натижасида улар тўққиз мингдан ошди. Эътиборлиси, йигирма мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилиб, қишлоқ аҳолисининг доимий иш билан бандлиги таъминланди.

*(Давоми 2-бетда).*

## ЭКСПОРТ – ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

**Вилоятимиз экспорт салоҳияти ва бу соҳада эришилаётган натижалар ҳамда келгусидаги режалар ҳақида вилоят ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо бошқармаси бошлиғи Юнусхон Ёқубхонов билан суҳбатлашдик.**

**– Вилоятнинг бугунги ташқи иқтисодий алоқалари қай даражада ривожланган?**

– 2015 йилда экспорт қилувчи корхоналарни экспорт ҳажми ва маҳсулот турларини кўпайтириш, географиясини янада кенгайтиришга эришилди. Натижада, вилоятимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар халқаро бозорларга дадил кириб бормоқда. Айниқса, сўнгги йилларда экспортчиларимизнинг ташқи бозордаги салоҳияти кескин ўсиб, савдо географияси кенгайди. Ўтган йил давомида тадбиркорларимиз Туркия, Хитой, Эрон, Британия, Германия, Польша, АҚШ, Италия, Япония, Россия Федерацияси, Қозоғистон каби жаҳоннинг 105 дан ортиқ давлатлари билан савдо-сотиқ алоқаларини амалга оширгани бунинг яққол тасдиғидир.

*(Давоми 2-бетда).*

## СОМОНГА ЖО БЎЛГАН МЕҲР

**2015 йил декабрь ойида Озарбайжоннинг Габала шаҳрида бўлиб ўтган 4-халқаро кўргазмада йигирмага яқин давлатдан келган хунармандлар ўз ижодий ишларини намойиш этди. Улар орасида ўзбекистонлик Жасур Жумаев ҳам бор эди. Унинг сомон санъати асосида ишланган "Кураш" ва "Шахмат" картиналари кўпчиликда қизиқиш уйғотди ва махсус сертификат билан тақдирланди.**

Жасур Жумаев ҳар гал бирор ютуққа эришганида болалиги ва аччиқ хотираларини ёдга олади. Ўша пайтлари дунё кезиш тугул, кўчага чиқиш ҳам у учун орзу эди. Хасталиги сабаб ўзини ожиз ҳисобларди. Юртимизда ҳар бир инсонга кўрсатилаётган меҳр ва эътибор туфайли Жасурнинг ҳаёти ҳам нурга тўлди. Ҳунари орқали кишиларга қувонч улашиб, юрт кезмоқда.

1984 йили Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманининг Сижжак қишлоғида туғилган Жасур зиёли оилада камол топаётган соғлом бола эди. Тақдирнинг аччиқ қисмати сабаб 13 ёшида белидаги асаб томирлари шамоллаши оқибатида икки оёғи ишламай, ногиронлик аравачасига михланиб қолди...

Шу зайлда йиллар ўтди. 2004 йилдан Жасур сомон санъати сирларини ўргана бошлади. Ва шу йўналишда Отабек Йўлдошевга шогирд тушди. Тошкент шаҳридаги имконияти чекланган ўқувчилар касб-ҳунар коллежининг компьютер ускуналари бўлимида таҳсил олди. Коллежда компьютер сирларини ўрганиш билан бирга, сомон санъати билан ҳам мунтазам шуғулланди. Бироқ, уни ишончсизлик, тушкунлик кайфияти ҳеч тарк этмасди.

Ана шундай кунларнинг бирида дўстлари Жасурга Президентимизнинг "Юксак маънавият – енгилмас куч" асарини олиб келиб беришди. Китобни ўқиган ёш ҳунармандниң ўзига бўлган ишончи ортди.

– Китобнинг "Энг буюк жасорат" деб номланган бўлимини кўзимда ёш билан ўқиб чиқдим, – дейди Ж. Жумаев. – Асарда энг буюк жасорат – бу маънавий жасоратдир, агар одам чин дилдан интилса, мақсадига албатта етиши ҳақида билдирилган фикрлар мен учун катта сабоқ бўлди. Шундан сўнг ҳунар сирларини эгаллашга қатъий аҳд қилдим.

*(Давоми 3-бетда).*

Алишер Навоий таваллудининг 575 йиллиги олдидан

**Алишер Навоийнинг серқирра ижоди инсониятни эзгуликка, ҳамжиҳатликка, илм-маърифатга чорлаб, халқимиз учун чексиз фахр-ифтихор тимсоли бўлиб келмоқда.**

**Президентимиз Ислом Каримов "Юксак маънавият – енгилмас куч" асарида таъкидлаганидек, "Агар бу улуғ зотни авлиё десак, у авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак, мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак, шоирларнинг султонидир".**

## Суйима ҒАНИЕВА: ҒАЗАЛ МУЛКИНИНГ СУЛТОНИГА ЭҲТИРОМ

*Тошкент Давлат шарқшунослик институти профессори, Ўзбекистон Қаҳрамони Суйима ҒАНИЕВА мамлакатимизда улуғ шоирга кўрсатилаётган эҳтиром, беназир асарларининг навқирон авлод тафаккурини бойитишдаги ўрни хусусида ЎзА мухбирига қуйидагиларни сўзлаб берди:*

– Буюк зотнинг ибратли ҳаёти, серқирра ижоди, илм-фан ривожи йўлидаги оламшумул ишлари бугун ҳам жаҳон аҳлини ҳайратга солмоқда. Унинг асарларида тараннум этилган инсон руҳиятининг гўзал бадиий ифодаси, маънавий камолот, тинчлик ва фаровонлик, миллатлараро тотувлик, бағрикенглик, яратувчанлик, юрт ободлиги каби эзгу ғоялар мамлакатимизда барча соҳада эришилаётган ютуқларда намоён бўлмоқда.

Алишер Навоийга кўрсатилаётган эҳтиром ва эъзоз ҳар биримизнинг қалбимизни фахр-ифтихорга тўлдиради. Шоир асарларининг қуёшга, уммонга, туганмас хазинага менгзалиши бежиз эмас. Зеро, унинг ижодида инсониятга муҳаббат, яхшилик, тўғрилик, поклик, илму ҳунар, гўзаллик, ота-онага меҳр, устозга эҳтиром, дўстликни қадрлаш каби олижаноб тушунчалар мукаммал талқин этилган. Шоир асарларидаги илғор ғоялар абадул-абад сўнмас хазина бўлиб қолаверади.

*(Давоми 4-бетда).*

Қонун ҳимоясида

## ИШ ҲАҚИ УНДИРИБ БЕРИЛДИ

**Вилоят прокуратураси органлари ишчи-хизматчиларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш, қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлашга жиддий эътибор қаратмоқда.**

Жумладан, О. Мамажонов ва бошқаларнинг ишлаган даврлари учун вилоят "Қишлоқхўжаликкимё" ҳудудий акциядорлик жамияти "Кучлук" туманлараро филиали иш ҳақи тўламаётганидан норози бўлиб ёзган мурожаатини кўриб чиқиш жараёнида, ҳудудий акциядорлик жамияти мансабдор шахслари Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 мартдаги "Иш ҳақининг ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори талабларига зид равишда меҳнатга ҳақ тўлаш кафолатлари ва иш ҳақини ўз вақтида тўлаш чораларини кўрмай, Меҳнат Кодексининг 154, 161-моддалари талабларини бузган ҳолда "Кучлук" туманлараро филиалининг 146 ишчи-ходимларига 2015 йил август, сентябрь ва октябрь ойлари учун иш ҳақи ва унга тенглаштирилган (мукофот пуллари) тўловларни тўламагани оқибатида 2015 йил 10 ноябрь ҳолатига жами 275,6 млн. сўм қарздорлик вужудга келишига йўл қўйганлари аниқланди.

Текширув жараёнида, 2015 йил август, сентябрь ва октябрь ойлари учун иш ҳақидан 72,9 млн. сўм қарздорлик "Кучлук" туманлараро филиалининг 104 ишчи-ходимлари, шу жумладан мурожаатнома муаллифлари О. Мамажонов ва бошқаларга вилоят "Қишлоқхўжаликкимё" ҳудудий акциядорлик жамияти томонидан тўлаб берилиб, қонун бузилишига йўл қўйган жамият бошқарув раиси в.в.б. А. Нормуҳамедов МЖтКнинг 49-моддаси 1-қисми билан маъмурий жавобгарликка тортилди.

Бундан ташқари, вилоят "Қишлоқхўжаликкимё" ҳудудий акциядорлик жамиятидан 2015 йил сентябрь ва октябрь ойлари учун иш ҳақи ва унга тенглаштирилган (мукофот пули) тўловлардан бўлган 202,7 млн. сўм қарздорликни "Кучлук" туманлараро филиалининг 146 ишчи-ходимлари фойдасига ундириш борасида фуқаролик ишлари бўйича вилоят судига даъво аризаси киритилди.

**Акмалхон МАДИЕВ,**
**вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи.**

**Тараққиёт – кенг тушунча. У мамлакатдаги тинчлик-тотувликни, ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни, халқнинг фаровон турмушини ифодалайди. Унинг замирида одамларнинг онгу тафаккуридаги юксалиш ҳам мужассам. Бинобарин, ҳаётга, Ватан тақдирига, меҳнатга муносабат ўзгармас экан, бирон бир жабҳада ривожланиш бўлиши қийин.**

**Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган ислоҳотлар туфайли мамлакатимиз барча жабҳада изчил тараққий этмоқда.**

## ЭНГ БУЮК ЎЗГАРИШ

**Яратиш – тафаккур ва меҳнат ҳосиласи**

Мустақиллик йилларида янги замон одами шаклланди. Юртдошларимиз ўз уйини обод қилишу дастурхонини тўкин этиш ўзига боғлиқ эканини, бунинг учун шароит ҳам, имконият ҳам етарли эканини англаб етди. Бошқача айтганда, "берсанг еяман" тарзидаги қарашлар ўрнига "ҳаракатда – баракат", "интилганга толе ёр" деган тамойиллар ҳаётимиздан чуқур жой олмоқда.

...Қаршилик тадбиркор Олимжон Абдураҳмонов хусусий корхонасида пахтадан турли кийим-кечаклар, чойшаблар, сочиқлар, чармдан оёқ кийимлари ишлаб чиқаради. Ишбилармонлик унинг қонида бор. Ярим аср муқаддам унинг бобоси қишлоққа мойжувоз келтириб, махсардан ёғ ишлаб чиқаргани ва сотгани учун қамалган. Турли азоб-уқубатларга дучор бўлган.

– Шахсий мол-мулкдан тижорат мақсадида фойдаланишни қоралаган, хусусий мулкка эгалик ҳуқуқидан маҳрум қилган даврлар биз учун худди эртакдек туюлади, – дейди Олимжон. – Бугун тадбиркор бўламан деган инсон борки, ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Бобом ўз ишини қонунийлаштираман деб қанча сарсон-саргардонликни бошдан кечирган. Мен тадбиркорлик субъекти сифатида осон ва содда шаклда – интернет тармоғи орқали Ягона интерактив давлат хизматлари порталида рўйхатга олиндим. Имтиёзли кредит асосида ишлаб чиқаришни йўлга қўйдим. Ўз меҳнатим билан эл-юртимизга наф келтиришга ҳаракат қилмоқдаман.

Бугун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланиб, иқтисодиётнинг локомотивига айланишида хусусий мулкка эгалик, манфаатдорлик, ташаббускорлик ва ишбилармонлик муҳити ва туйғуси пайдо бўлгани муҳим аҳамият касб этмоқда.

**Чет тилини ўрганаётган фермер**

Ўтган йили кузда Оққўрғон томонларга йўлимиз тушиб, "Саидаброр Султон Саид" фермер хўжалигида меҳмон бўлдик. Хўжалик раҳбари Саидаброр Холсаидов билан дала айландик. Гуркираган ғўзалар лўппи ҳосилга кирган. Шу пайт фермернинг телефони жиринглаб қолди.

– Узр, дарсга чақиришяпти, – деди Саидаброр ака хижолат бўлиб. Кейин ажабланиб турганимизни кўриб, ўзи изоҳ берди: – Инглиз тилини ўрганаяпман. Ғаллаю пахта етиштиришдан қилган даромадимизга чет элдан мутахассису ускуналар олиб келиб, пиллахона қураяпмиз. Хорижлик ҳамкасбларимиз билан тажриба алмашиб, келгусида яна бир нечта лойиҳаларни амалга оширмоқчимиз. Бунинг учун тил билиш жуда муҳим. Президентимиз қарори билан хорижий тилларни ўрганишга алоҳида эътибор қаратилаётгани ёшларимиз учун катта имконият бўлмоқда. Биз ҳам замондан ортда қолмайлик-да.

"Темир хотин" фильмида Аломатнинг Қўчқор акага айтган гаплари ёдга тушди: "Эсингизни танибсизки, тинмай меҳнат қиласиз, лекин ҳеч бирингиз икки бўлмайди. Рўзғор, бола-чақа ташвиши, дейсиз, афсуски, бу ташвишларнинг чеки йўқ. Эрталабдан-кечгача чумолидай ғимир-ғимир қиласиз-у, роҳатини кўрмайсиз. Пахтакорман деб кўкрагингизга муштлайсиз-у, кўрпангизга пахта тополмайсиз! Кийиб олган кийимингизни қаранг, енгил саноат етиштираётган ҳамма брак маҳсулот сиз ва сизга ўхшаганларга насиб қилади. Шу иссиқда ким нейлон кўйлак кияди?.."

Шукрки, фильмда акс эттирилган собиқ тузумнинг аянчли тасвири, халқимиз тортган азоб-уқубатлар бугун катта авлод вакилларининг хотираларида, альбому кинотасмаларда қолди, холос.

*(Давоми 2-бетда).*

Тадбир

# ЁШЛАР ЭКСТРЕМИЗМГА ҚАРШИ

**Вилоят педагогика коллежида "Диний экстремизм, терроризм ва ақидапарастлик – тараққиётга таҳдид" мавзуида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.**



"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ташаббуси билан ёшларни она Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш, маънавий дунёқарашини бойитиш, турли диний оқимларга қўшилиб кетишининг олдини олиш мақсадларида ташкил этилган тадбирда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши вакиллари, вилоятдаги барча намунали бошланғич ташкилот етакчилари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

Коллеж ўқувчиларининг одам савдосини акс эттирувчи расм ва плакатлари намойиши билан бошланган мулоқотда таъкидланганидек, мамлакатимиздаги тинчлик ва осойишталик, дин ва миллатлараро бағрикенглик, тотувлик ҳамда ҳамжиҳатлик юртимиз тараққиёти йўлида амалга оширилаётган эзгу ишларга мустаҳкам асос бўлмоқда. Лекин ғоялар кураши авж олган XXI асрда дунёда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш йўлида ҳал этилиши зарур бўлган кўплаб муаммолар юзага келмоқда. Осуда ҳаётимизни издан чиқаришга қаратилган янги шаклдаги таҳдидлар пайдо бўлаётгани, бузғунчи ғоялар мафкура майдонини қуршаб олишга ҳаракат қилаётгани барчамиздан огоҳлик ва ҳушёрликни талаб этмоқда. Бунда, энг аввало ёшларимизни асраб-авайлаш, уларнинг қалби ва онгини эзгулик ғоялари билан банд қилиш лозим.

– Бу каби тадбирлар ёшларнинг Ватанга бўлган муҳаббати ва садоқатини мустаҳкамлаш билан бир қаторда огоҳликка даъват этади, – дейди вилоят педагогика коллежи директори Акмал Ражабоев. – Уларнинг ёт ғояларга ўралашиб қолишларининг олдини олишга хизмат қилади.

Тадбирда, шунингдек, "Маҳалладаги полигон" мавзуида видеолавҳа ҳам намойиш этилди.

Тадбир якунида бир гуруҳ фаол ёшлар диплом ва фахрий ёрлиқ билан тақдирланишди.

**Маҳлиё ИСРОИЛОВА.**
**Мансур НАХАЛОВ олган сурат.**

Семинар

**Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилишдаги халқаро интеграциялашув жараёнларининг кучайиши фермер хўжаликларидан жаҳон аграр ва озиқ-овқат бозорларига кириб бориш учун етарли билим ва кўникмаларга эга бўлишни талаб қилмоқда.**

# ЖАҲОН БОЗОРИГА ЙЎЛ

Оҳангарон тумани марказий маданият ва аҳоли дам олиш марказида фермер хўжаликлари раҳбарларининг экспортга оид билим ва кўникмаларини ошириш орқали қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортини янада ривожлантириш мақсадида ўқув семинари бўлиб ўтди.

Республика Миллий банки қошидаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси, Тадбиркорлар ва фермерликни қўллаб-қувватлаш маркази, вилоят фермерлар кенгаши, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал демократик партияси туман кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган мулоқотда Тошкент Давлат иқтисодиёт университети ўқитувчилари, "Кафолат" суғурта компанияси, "Ўзагросуғурта" акциядорлик жамияти вакиллари, фермер хўжаликлари раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

"Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш" мавзуидаги семинарда экспорт фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш, экспорт стратегияси ва маҳсулотларни экспортга тайёрлаш, сертификатлар олиш ва суғурталаш, божхона юк декларациясини тўлдириш, экспорт учун яратилаётган имтиёз ва кафолатлар тўғрисида атрофлича фикр юритилди.

– Машғулотдан фаолиятимда қўллаш мумкин бўлган жуда кўп маълумотлар, маслаҳат ва йўл-йўриқлар олдим, – дейди "Боғишамол" фермер хўжалиги раҳбари Алижон Дусебоев. – Айниқса, бизларга фермерлик фаолияти ва экспортга доир турли илмий рисола ва материалларни беришгани айни муддао бўлди.

Тадбирда, шунингдек, иштирокчиларга фермер хўжаликларининг иқтисодий мустақиллиги ва молиявий барқарорлигини таъминлашнинг самарали бошқарув тизимини ташкил этиш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларни автоматлаштириш, интернетдан фойдаланиш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, суғоришнинг янги усулларини жорий қилиш каби мавзуларда ҳам маълумотлар берилди.

**Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ.**
**Даврон АҲМАД олган сурат.**



# ЭКСПОРТ – ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

**– Сўнгги йилларда экспорт маҳсулотлари таркибида қандай ўзгаришлар рўй берди?**

– Ҳозирги кунда қора ва рангли металлар, пахта толаси билан бир қаторда машина асбоб-ускуналари, озиқ-овқат маҳсулотлари, кимё, ҳўл ва қуритилган мева-сабзавот, тайёр тикувчилик маҳсулотлари ташқи бозорга чиқарилмоқда. Шунингдек, вилоят экспортида транспорт-экспедиторлик, туризм, маркетинг, банк хизматлари турлари кенгайиб бораётгани ҳам соҳада эришилаётган ютуқлардан ҳисобланади. Агар 2012 йилда 134 та корхона четга маҳсулот чиқарган бўлса, ҳозир улар 200 дан ошди.

2012-2015 йилларда 170 дан ортиқ корхона илк бор экспорт фаолиятини бошлаган бўлса, экспорт таркиби 35 дан ортиқ янги турдаги саноат маҳсулотлари ҳисобига кенгайди.

**– Ўтган йили қандай натижаларга эришилди?**

– Вилоятдаги 200 дан ортиқ экспортчи корхона 508 млн. доллардан зиёд товар ва хизматлар экспорт қилиб, 2014 йилга нисбатан 2 фоизга ўсишга эришди. 77 та корхона экспортга жалб қилиниб, улар 260 млн. доллардан зиёдроқ маҳсулотни хорижга чиқарди. Уларнинг 62 таси саноат корхоналари бўлиб, 6 млн. долларлик маҳсулотини ташқи бозорларда сотди. 2015 йилда керамик плита, полиэтилен плёнка, гидрат оҳак каби 10 турдаги янги маҳсулотлар хорижий мамлакатларга илк бор экспорт қилинди.

**– Ҳозирги кунда мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш тартиби қандай?**

(Давоми. Боши 1-бетда).

– Вазирлар Маҳкамасининг махсус йиғилиши баённомасига мувофиқ, 2015 йилнинг 1 сентябридан барча юридик шахслар мева-сабзавот маҳсулотларини темир йўл ва ҳаво транспорти орқали тўғридан-тўғри экспорт қилиш ҳуқуқига эга эканлиги белгилаб қўйилди. Агар автотранспортда экспорт қилиш истагини билдирганлар бўлса, вилоят ҳокимлигига мурожаат этишгандан сўнг, уларга тегишли рухсатнома олишда амалий ёрдам кўрсатилади.

**– 2016 йилда вилоят ҳудудий экспортини янада кучайтириш бўйича қандай чора-тадбирлар режалаштирилган?**

– 2016 йил экспорт ҳажмини ўтган йилга нисбатан 1,5 баравар оширишни мақсад қилганмиз. Бунинг учун четга маҳсулот чиқарувчи корхоналарнинг экспорт географиясини кенгайтириш ва маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш бўйича тизимли ишлар олиб бориш, янги корхоналарни экспорт фаолиятига жалб қилиш, 2016 йилда Россия Федерацияси, Қозоғистон ва Европа давлатларида янги савдо уйлари очиш ҳамда маҳсулотларимизни хорижий мамлакатларда кенг намойиш этиш, саноат корхоналари, айниқса, омборхоналардаги маҳсулотлар қолдиқларини доимий ўрганиш, қўшимча захираларни аниқлаш, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналарни халқаро кўргазма ва ярмаркаларда иштирок этишларига кўмаклашиш, шунингдек, 2016 йилда ички истеъмолдан ортиқча 310 минг тоннадан зиёд мева-сабзавот маҳсулотларини экспортга чиқариш режалаштирилган.

**Муқаддас ИСРОИЛОВА, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

Маънавият

# МУНОСИБ ВОРИСЛАР КАМОЛИ УЧУН

Алалхусус, ҳар соҳада илғор, юқори интеллектуал салоҳиятга эга ёшларимизнинг халқаро майдонда эришаётган ютуқлари, Ватанимиз куч-қудратини дунёга намойиш этаётган миллий армиямиз сафларини тўлдираётган бири-биридан ўктам, норғул ўғлонлар шу улкан ишлар самарасидир. Лекин, бу мақсад йўлида амалга оширадиган ишларимиз ҳали кўп. Зеро, қутлуғ қадамлар билан кириб келган янги йилимизнинг "Соғлом она ва бола йили" дея номланишида ҳам чуқур маъно-мазмун мужассам. Демак, шу йўналишдаги саъй-ҳаракатларни янада жонлантиришимиз зарур. Аввало, соғлом бола соғлом ва аҳил оиланинг меваси эканини, фақат соғлом онадан соғлом фарзанд туғилишини назарда тутган ҳолда Юртбошимиз таъкидлаганидек, бор куч-ғайратимизни оилалар соғломлиги, мустаҳкамлигини таъминловчи омилларга қаратишимиз лозим.



Шу маънода аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, уқувли, удлишудли оталар, ораста, оқила, соғлом оналарни тарбиялаш, шу орқали оилалар мустаҳкамлигига эришиш асосий мақсадларимиздан бўлиши зарур. Бунинг учун керакли муҳит ва шароит яратиш кенг жамоатчиликнинг иши эканини унутмаслигимиз лозим. Бу борада вилоят хотин-қизлар қўмитаси, "Маҳалла", "Камолот" ЁИҲ, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, ички ишлар, прокуратура ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилаётган маънавий-маърифий, амалий тадбирларнинг мазмун-моҳиятини янада бойитиш муҳим аҳамиятга эга.

"Қуш уясида кўрганини қилади" деган гап бежиз айтилмаган. Аввало, маҳалла маслаҳатчилари ва кўпни кўрган, эл-юрт орасида обрў қозонган кайвони отахон ва онахонлар ҳамкорлигида оилалар билан яқин мулоқотда бўлиш, бўлғуси оналар, қизлар тарбиясига алоҳида эътибор берилишига эришиш зарур. Йил давомида "Оила, маҳалла, мактаб" тамойили асосида "Ораста қизлар", "Зумрадойлар даврасида" каби тўгараклар фаолиятини янада жонлантириш, турли учрашув, давра суҳбатлари, семинарлар ташкил этиш, уларга кўпни кўрган кекса онахонларни, тиббиёт ходимларини таклиф этиш мақсадга мувофиқ. Чунки, миллий қадриятларимиз ва анъаналаримиз руҳида тарбия топган йигит-қизларда оилани муқаддас тутиш кўникмаси талаб даражасида шаклланган бўлади. Лекин, уларнинг саломатлиги ҳам муҳим аҳамиятга эга. Маърузада таъкидланганидек, "Соғлом ва мустаҳкам оила соғлом келажак пойдевори". Бу борада никоҳдан аввалги тиббий кўрикнинг аҳамиятини такрор ва такрор ҳаётий мисоллар билан тушунтириш муҳим. Қолаверса, оила қуришга лаёқатли қиз-йигитлар тарбиясида нафақат ота-она, балки ўқитувчи-мураббийларнинг ўрни алоҳида.

(Давоми. Боши 1-бетда).

"Қиз болани коллежни битирмасидан, ҳунар эгалламасидан туриб, кимки турмушга бермоқчи бўлса, билиб қўйинглар, буни мен узоқни кўрмаслик, калтабинлик деб ҳисоблайман, – дейди Юртбошимиз. – Қиз бола, аввало, касб эгалласин, ўз фикрига эга бўлсин, ҳаётни англасин"...

Бундай оталарча меҳрибонлик, жонкуярлик ҳар биримиз учун сабоқ бўлиши зарур. Айниқса, бунга дахлдор кимсаларнинг лоқайдлигини кечириб бўлмайди. Ҳозир биз асосан коллеж ўқувчилари ва уларнинг ота-оналари орасида ўтказаётган тадбирларимизда айнан шу масала кенг муҳокама қилинмоқда. Ахир ўзи тарбияга муҳтож ёш она фарзандини соғлом, баркамол қилиб тарбиялай оладими? Қолаверса, ҳомиладорлик даври нафақат ёш она, балки унинг яқинлари, оиласи, қайнона, қайнота учун ҳам масъулиятлидир. Буни идрок этиш, англаш учун инсоний бағрикенглик, тиббий маданият, маънавият нечоғлик зарур. Бу борада тиббиёт ходимларининг масъулияти катта эканини таъкидлашнинг ҳожати бўлмаса керак. Шу маънода вилоятимизнинг энг чекка ҳудудларидаги тиббий хизмат савияси ва сифатини кўтариш, мутахассислар саводхонлигини ошириш, ҳар томонлама замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланган соғлиқни сақлаш муассасалари фаолиятини йўлга қўйиш каби кенг қамровли ишларни амалга оширишда дахлдор ташкилотлар қатори, бошқа барча жамоат ташкилотлари ҳам жавобгар эканини таъкидлаш жоиз.

"Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурини тайёрлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқишда шу жиҳатларга алоҳида эътибор берилди. Ҳозир вилоятимизда муҳтарам Президентимизнинг: "Айниқса, олис ва чекка ҳудудларда, мураккаб иқлим шароитида яшаётган аҳоли, аввало аёллар учун ижтимоий, маиший, тиббий нуқтаи назардан зарур шароитларни яратиш, шунингдек, жойларда фаолият кўрсатаётган перинатал марказларнинг моддий-техник базасини, уларнинг кадрлар салоҳиятини янада кучайтириш, оилавий поликлиникалар, қишлоқ врачлик пунктларининг иш самарасини ошириш..." каби кўрсатмалари асосида тизимли саъй-ҳаракатлар бошланган.

Буларнинг замирида "халқимизнинг аждодларимиздан бизга ўтиб келаётган, қон-қонимизга сингиб кетган азалий интилишлари", гуллаб-яшнаётган эркин ва озод Ватан, соғлом, етук, баркамол авлод орзусининг рўёби бўй кўрсатиб турибди. Унинг камоли сизу бизнинг, барчамизнинг фидокорона меҳнатларимиз, изланиш ва интилишларимизга боғлиқдир. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганларидек: "Энг муҳими, "Она ва бола соғлом бўлса, оила бахтли, оила бахтли бўлса, жамият мустаҳкам бўлади" деган ҳаётбахш ғоя ҳар бир юртдошимизнинг қалбига чуқур кириб бориши ва ана шу улуғ ишга муносиб ҳисса қўшиш барчамизнинг муқаддас вазифамизга айланиши лозим".

**Сайёра ФАЙЗИЕВА, вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси.**

Муносабат

# ФЕРМЕРЛАРИМИЗГА КУЧ-ҒАЙРАТ БАҒИШЛАДИ

Албатта, келгусида амалга оширишимиз лозим бўлган вазифалар янада кенг кўламли. Давлатимиз раҳбари қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни жадаллаштириш, селекция ишларини яхшилаш, ғўза ва бошоқли дон экинларининг маҳаллийлаштирилган навларини яратиш, замонавий агротехникаларни ўзлаштириш ҳақида гапирар экан, республикамизда пахта етиштиришни паст бонитетли, шўрланган ва пахта учун яроқсиз тоғолди ҳудудларида пахта етиштиришни 350 минг тоннага босқичма-босқич камайтириш ва бунинг эвазига бўшаган майдонларда мева-сабзавот етиштиришни йўлга қўйиш орқали: "2020 йилда бошоқли дон етиштиришни 16,4 фоиз кўпайтириб, 8 миллион 500 минг тоннага етказиш, картошка етиштиришни 35 фоиз, сабзавотни 30 фоиз, мева ва узумни 21,5 фоиз, гўшт етиштиришни 26,2 фоиз, сутни 47,3 фоиз, тухумни – 74,5 фоиз ошириш, балиқ етиштиришни 2,5 баравар кўпайтириш кўзда тутилмоқда" дея таъкидладилар. Мажлисда белгилаб берилган ушбу устувор вазифалар вилоятимизнинг барча деҳқон ва фермерлари, қишлоқ хўжалиги тизимида меҳнат қилаётган мутахассислар зиммасига улкан масъулият юклади ва айни пайтда куч-ғайрат бағишлади. Қатъият ва ишончимизни янада оширди. Ушбу улкан мақсадлар, белгиланган марраларни забт этиш йўлидаги саъй-ҳаракатларни аллақачон бошлаб юбордик.

(Давоми. Боши 1-бетда).

**Тўлқин ТЎРАЕВ, вилоят фермерлар кенгаши раиси.**

# ҲАМКОРЛИК МУНОЗАРАСИ

**Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигида Жаҳон банкининг Бозорни ва рақобатбардошликни ривожлантириш бўйича халқаро дастур директори Сесил Фруман хоним бошчилигидаги гуруҳ вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди.**

Унда гуруҳ вакиллари Ўзбекистонда электрон ҳукумат ривожи ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг иқтисодиёт соҳаларига татбиқ этилиш ҳолати билан таништирилди. Хусусан, меҳмонларга давлат ва тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги муносабатларнинг электрон шаклга ўтказилиши, телекоммуникация инфратузилмаси ҳамда соҳа учун малакали кадрлар тайёрлаш тизими тўғрисида маълумот берилди.

Шунингдек, томонлар истиқболда давлат идоралари ва тадбиркорлар ўртасидаги электрон муносабатларни кенгайтириш, жараёнларни соддалаштириш, электрон ҳукумат тизимини янада такомиллаштириш орқали бизнес вакилларига сифатли хизмат кўрсатиш бўйича ҳамкорлик қилиш бўйича мунозара олиб бордилар.

**"Туркистон-пресс".**

# ЭНГ БУЮК ЎЗГАРИШ

Бугун ўзбек деҳқони ўз соҳасини пухта биладиган, ишбилармон фермерга айланди. Нуфузли халқаро анжуманларда кўксига "Uzbekistan" деган ёзувни ифтихор билан тақиб, иштирок этадиган бўлди. Хорижий ҳамкорларини "ўзбек модели", "ўзбек маҳсулоти", "ўзбекча технология", "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган", деган сўзлар билан ҳайратлантираётган фермер – айни мустақиллик яратган мустақил шахс, замонамизнинг илғор вакилидир.

**Айфон билан "тиллашган" болакай**

Қишлоққа борганимда Юнус бобони йўқладим. Бобо жуда хурсанд бўлди. Кўк чой ичиб, гурунглашиб ўтирдик.

Бобо саксон баҳорни қаршилаётган бўлишига қарамай, жисмонан бардам, руҳан тетик. Эл маъракаларига бош. Суҳбати доимгидек қизғин.

– Шу "сабзитахта"дан сенда ҳам бор экан-да, улим, – деди бобо кулиб қўлимдаги телефонга ишора қиларкан.

Мобиль телефонга разм солиб, унинг ростдан ҳам сабзитахтага ўхшашлигидан куламан.

– Топиб гапирасиз-да, бобо, – дейман.

– Яқинда Ёрмат улини уйлантирди. Тўй олдидан қўни-қўшни йиғилиб, маслаҳатлашдик. Маърака оши учун бирга сабзи тўғрадик. Ҳамсоямиз Аҳмаднинг набираси Санжар хонага бир тахлам сабзитахта кўтариб кириб, ҳашарчиларга тарқатди. Қора ойнадан ясалган "импртний"сини ёнимда қолдирибди. Энди сабзи тўғрамоқчи эдим, кичкинтой қўлимга ёпишди: "Бобо, бу – сабзитахта эмас, телефон". Ҳайтовур, ёниб ўчади, дейман. Сўнг ёнимга ўтириб, бу телефонларнинг замонавий русуми эканини айтди. Бошқаларидан имкониятлари анча баландлигини тушунтирди. Қулайлиги жуда кўп экан. У орқали шаҳардаги набирам Азамат билан бир-биримизни кўриб гаплашдик. Эй, ким ясаган бўлса ҳам барака топсин десам, Санжар ўзимизда ишлаб чиқарилганини айтди. Аммо номини айтишга тилим унчалик келишмади. Шу-шу шунақасини кўрсам, ҳазиллашиб "сабзитахта", дейман.

Мириқиб кулишдик...

Ҳа, бугун замонавий телефонлар кириб бормаган ўзбек хонадони қолмади. Эндигина эсини таниган болакайлар ҳам ундан билиб, имкониятларидан самарали фойдаланмоқда. Бу бир томондан, оилалардаги фаровонликнинг янада юксалаётгани, иккинчи томондан, фарзандларимизнинг кучли, билимли, доно ва, албатта, бахтли бўлиб камолга етаётгани ифодасидир.

(Давоми. Боши 1-бетда).

**Йиллар ва йўллар**

Оғайнилар водийга тўйга отландик. Йўл бўйида барпо этилган сўлим боғлар, кенг ва равон йўллар, маҳобатли кўприклар, кўркам уй-жойлар, ижтимоий объектлар кўзимизни қувонтирди. Ўзбекистоннинг бошқа вилоятларини Фарғона водийси билан боғлайдиган, Евроосиё трансмиллий транспорт йўлагининг муҳим бўғини бўлган Ангрен – Поп электрлаштирилган темир йўлининг бунёд этилиши – ўзи бир мўъжиза.

Қамчиқ довони орқали ўтадиган 19 километрлик туннель қурилиши нафақат стратегик ва иқтисодий аҳамиятга эга бўлган лойиҳа, айни вақтда коммуникация ва транспорт соҳасида эришган юксак тараққиётимиз даражасини ўзида яққол намоён этиб турибди.

Тоғлараро ўтаётган темир излар – иқтисодиётимизнинг қон томирлари гўё. Чунки илгари поездларимиз юк ва йўловчи ташишда қўшни давлатлар ҳудудига бир кириб ўтишга мажбур бўларди-ю, ортиқча маблағ, вақт йўқотиларди. Бу қандайдир бир англашмовчилик ё режасизлик эмас, балки собиқ тузум баковулларининг атай, пухта ўйланган стратегияси "маҳсули" эди. Истиқлол туфайли мустабид тузум ғаламислик билан боғлаган ана шундай ҳалқалар парчаланди. Эндиликда янги темир излар Ўзбекистонимизни дунё океанига чиқадиган денгиз, халқаро транзит йўллари билан боғлайди.

Янгича тароват ва чирой касб этаётган шаҳарларимиз, қурилган текис ва равон йўллар, улуғвор кўпригу маҳобатли туннеллар – ҳаммаси улуғ орзу-мақсадларимизнинг кўркам ва жозиб кўринишлари, юртимиз саодати, заҳматкаш элимизнинг асрий умидлари, азиз фарзандларимизнинг порлоқ толеидан далолат бериб турибди. Зеро, элу юрт равнақи йўлида барпо этилган ҳар бир йўл, солинган ҳар кўприк – порлоқ келажагимиз йўли, истиқболимизга элтувчи кўприкдир.

**Кечаги кунимиз, бугунимиз ва келажагимизга дахлдор**

Президентимиз Ислом Каримов Вазирлар Маҳкамасининг яқинда бўлиб ўтган мажлисида мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларини атрофлича таҳлил этди. Ундаги рақамлар, кенг кўламли амалий таклиф ва мулоҳазалар, таҳлиллар нафақат кечаги кунимиз, балки бугунимиз ва келажагимизга дахлдор экани қалби шу муқаддас заминга фарзандлик ҳисси билан тўлган ҳар бир инсонни ғурурланишга, эртанги тараққиёт учун бор куч-салоҳият билан ҳисса қўшишга чорлайди.

...Ўтган йили тадбиркорлик субъектларини ташкил қилишни соддалаштириш ва уларнинг фаолият юритишини енгиллаштириш билан боғлиқ 40 дан ортиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

...Мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш борасида олиб бораётган ишлар халқаро ташкилотларнинг рейтингларида ҳам ўз ифодасини топмоқда. 2015 йилнинг октябрь ойида эълон қилинган Жаҳон банки "Бизнес юритиш" рейтингида Ўзбекистон фақат бир йилнинг ўзида 16 поғонага кўтарилиб, 87-ўринни эгаллади.

...Халқаро миқёсда катта нуфузга эга бўлган Жаҳон иқтисодий форуми рейтингига кўра, Ўзбекистон 2014-2015 йиллардаги ривожланиш якунлари ва 2016-2017 йилларда иқтисодий ўсиш прогнозлари бўйича дунёдаги энг тез ривожланаётган бешта мамлакат қаторидан жой олди.

...Қамчиқ довони орқали ўтадиган 19 километрлик туннель қурилишини якунига етказиш ва Ангрен – Поп йўналиши бўйича темир йўл қатновини йўлга қўйиш, ҳеч шубҳасиз, жорий йилнинг муҳим воқеаларидан бўлади. Бу йўлнинг ишга туширилиши Фарғона водийси вилоятлари ва мамлакатимизнинг бошқа ҳудудлари ўртасида темир йўл орқали юк ва йўловчи ташиш имконини яратади.

Бу рақамлар истиқлол йилларида эришган иқтисодий-ижтимоий тараққиётимиз, халқимизнинг турмуш даражаси юксалиб бораётганидан далолатдир. Уларнинг барчасига энг буюк эврилиш – онгу дунёқарашимиздаги янгиланишлар замин бўлгани шубҳасиздир.

**Дилшод КАРИМОВ, ЎзА шарҳловчиси.**

# СОМОНГА ЖО БЎЛГАН МЕҲР

Жасур сомон санъати сирларини сабр-матонат билан ўрганди. Ҳунар ўрганиш билан бирга, олий маълумотга эга бўлишга интилди. 2008 йил Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтининг амалий санъат факультетига ўқишга кирди. 2012-2014 йилларда тасвирий санъат факультетининг Мультфильм ва компьютер мультипликацияси мутахассислиги бўйича магистратура босқичида таҳсил олди. Институтни аъло баҳоларда тамомлаган ёш ҳунарманд олий ўқув юртининг "Йилнинг энг яхши магистранти" дипломи ҳамда олтин медаль билан тақдирланди.

Санъат олами кенг ва ранг-баранг. У эстетик завқ манбаи бўлиб, ҳаётга гўзаллик бахш этиш, ҳаётни инсон орзу қилган қирраларда кўриш имконини беради. Жасур Жумаевнинг сомондан яратилган асарлари кишига эстетик завқ бериши билан бирга уни фикрлашга ундайди.

Президентимиз раҳнамолигида амалий санъатни ривожлантириш борасидаги кенг кўламли ишлар ҳунармандга имкониятлар эшигини очди. Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 30 мартдаги "Халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Фармони бунда дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

– Оддий сомондан санъат намуналарини яратиш учун жуда мураккаб ва нозик амалларни бажариш керак, – дейди Жасур. – Бунда асосан оқбош ўсимлиги поясидан фойдаланилади. Бунинг учун поя аввал сувда ивитилади. Маълум вақт ўтгач, у қайчи ёки пичоқ ёрдамида ўртасидан кесиб ёйилади, сўнг ички тарафидан эҳтиёткорлик билан дазмолланади. Текис ҳолатга келган сомонлар рангига қараб ажратилади ва яратилажак композиция учун керакли шаклда кесилиб, жойлаштириб чиқилади. Мана шундай жараёнлардан ўтган оддий сомондан бетакрор санъат асарлари яратилади.

Сомон санъати орқали яратилган асарлар, хусусан, эртак қаҳрамонлари образи, гўзал тарихий обидаларимиз, табиат манзаралари, давлат рамзлари кишининг маънавий оламини бойитиб, бадиий-эстетик завқ бағишлайди. Бу санъат билан шуғулланиш кишида, айниқса, ёшларда тиришқоқлик, чидам, қатъиятлилик хислатларини шакллантиришга хизмат қилади.

Ж. Жумаев бугунги кунда сомондан миллий урф-одатлар, фольклор намуналарини тасвирлаш билан бирга, янгиликлар яратиш устида изланмоқда. Одатда сомон санъатидаги расмлар фақат сомон рангида бўлади. Бироқ, Жасур табиий усулда олинган ранглар ёрдамида сомонни бўяб, картиналар яратмоқда. Ўндан зиёд рангда тасвирланган "Карвон" картинаси шулар сирасидандир. У яратган асарлар томошабинлар, санъатшунослар ва ижодкорлар томонидан эътироф этилмоқда. Унинг миллий характердаги кичик ҳажмдаги асарлари ва маҳобатли сомон иши намуналари нафақат юртимиз, балки ўнлаб давлатлардаги музейлардан жой олган.



Ҳунарманд ўз ижод намуналари билан юртимиз ва халқаро миқёсда ўтказилаётган фестиваль, танлов ва кўргазмаларда фаол иштирок этиб келмоқда.

Ж. Жумаев 2012 йили Президентимиз Ислом Каримов томонидан таъсис этилган "Ўзбекистон белгиси" кўкрак нишони билан тақдирланган. Шу йили "Ташаббус" кўрик-танловида иштирок этиб, "Менинг юртим – менинг ифтихорим" номинациясида ғолибликни қўлга киритган.

Ҳунарманд ҳозирги кунда ўзи ҳам шогирдлар тайёрламоқда. Уларга сомон санъати сирларини ўргатиш баробарида, Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида талабаларга фото санъати бўйича сабоқ бермоқда.

2015 йил ҳунарманд учун омадли бўлди. Президентимиз Фармонига биноан Ж. Жумаев мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, ёш авлодни она юртга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш ишларига қўшган муносиб ҳиссаси, фидокорона меҳнати, ижтимоий ҳаётдаги фаоллиги учун Ватанимизнинг юксак мукофоти – "Жасорат" медали билан тақдирланди. Шу билан бирга, "Эътироф – 2015" мукофотининг "Йилнинг энг яхши ҳунарманди" номинацияси бўйича ғолиб деб топилди.

Ҳа, юртимизда ёшлар камолоти йўлида кўрсатилаётган чексиз меҳр ва эътибор Жасур сингари ёшларнинг жамиятда ўз ўрнини топишига, мақсади сари интилиб, ҳаётдан завқланиб яшашига замин яратмоқда. Инсон қилган меҳнатидан роҳатланса, жамиятга наф келтирса, ўзини бахтлилар қаторида кўради. Зеро, ўз меҳнатларининг самарасини кўриш, халқимиз орасида эътирофга сазовор бўлиш энг катта бахтдир.

**Гўзал САТТОРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

## Маҳалла ҳаёти

**Зангиота туманидаги "Олмазор", "Ойдин ҳаёт", "Соҳибкор", "Дўстлик" маҳаллалари аҳли учун янги йил омадли келди. Ҳадемай, улар бирор юмуш билан маҳалла фуқаролар йиғинига боришса, мослаштирилган эмас, балки барча қулайликларга эга шинам ва кўркам биноларда ишларини битириб қайтадилар.**

# ҚУЛАЙЛИКЛАР ЯРАТИЛМОҚДА

Негаки, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди туман бўлими таъмирлаш ишлари учун "Олмазор" маҳалласига 40, "Соҳибкор" маҳалласига 10, "Дўстлик" маҳалласига 35, янги қурилиш учун "Ойдин ҳаёт" маҳалласига 37 миллион 300 минг сўм маблағ ажратди.

– Биттагина хонада фаолият юритаётгандик, – дейди Ўртаовул шаҳарчасидаги "Олмазор" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Садриддин Муҳиддинов. – Бу фуқароларни қабул қилиш ва улар билан ишлашда анчагина ноқулайликлар туғдираётганди. Мана энди ажратилган маблағ ҳисобидан идорамиз учун мўлжалланган бинонинг таъмирини бошлаб юбордик. Бундан маҳалламиз аҳли ҳам беҳад хурсанд.

Келгусида ҳам фонднинг туман бўлими маблағи ҳисобидан тумандаги бир қатор маҳалла фуқаролар йиғинлари идоралари таъмири учун маблағлар ажратиш кўзда тутилган.

**Нозима РАСУЛОВА.**

## Эҳтиёт шарт!

# ГАЗ БАЛЛОНИНГИЗНИНГ МУДДАТИ ЎТМАГАНМИ?

**Мустақиллик шарофати билан мамлакатимизда бошланган ижтимоий ва иқтисодий ислоҳотлар жараёнида, жумладан машинасозлик индустриясига ҳам асос солинди. Ўтган қисқа даврда республикада юқори талабларга жавоб бера оладиган замонавий, енгил ва юк автомашиналари ишлаб чиқариш жадал ривожланиб, кўлами беқиёс кенгайди. Айни пайтда мамлакатимиз кўчаларини тўлдириб юрган автомашиналарнинг асосий қисми ўзимизда ишлаб чиқарилган.**



Кейинги вақтда республикада ёқилғининг ҳам арзон, ҳам экологик тоза муқобил тури бўлган сиқилган газдан фойдаланиш кенг йўлга қўйилди. Шу муносабат билан ҳайдовчилардан ушбу муқобил ёқилғи туридан фойдаланишда ўта эҳтиёткор бўлиш талаб этилади. Хусусан, газ баллонларини белгиланган муддатларда қайта синовдан ўтказиб туриш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 11 декабрдаги Ички ишлар вазирлиги, "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси, Автомобиль ва дарё транспорти ҳамда "Ўзстандарт" агентликлари, "Ўздавнефтгазинспекция", "Саноатгеоконтехназорат" давлат инспекцияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига 06/53-9-сонли топшириғида "Автотранспорт воситаларида фойдаланилаётган газ баллонлари ускунасига боғлиқ авария ва бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш комплекс чора-тадбирлари" сўзсиз бажарилиши кўрсатиб ўтилган.

Ушбу чора-тадбирлар мажмуасида "Ўздавнефтгазинспекция"га аниқ вазифалар топширилган. Шунга мувофиқ, газ баллонларини синовдан ўтказиш муддати ўтиб кетган бўлса, уларга сиқилган газ тўлдириш (муддати доимий) ва 2016 йил 1 июнь кунидан эътиборан СПГ-2, СПГ-3, СПГ-4 русумли газ баллонларига ҳам сиқилган газ тўлдириш тақиқланиши таъкидланган.

Автотранспорт воситаларига ўрнатилган ва синовдан ўтказиш муддати ўтиб кетган СПГ-1 русумли газ баллонларига ҳамда 2016 йил 1 июндан бошлаб СПГ-2, СПГ-3, СПГ-4 русумли газ баллонларига сиқилган газ тўлдириб берган газ тўлдириш компрессор шахобчаларига "Нефть, газ ҳамда газ конденсатини қазиб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш, магистраль газ қувурлари, нефть қувурлари ва нефть маҳсулотлари қувурларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш бўйича фаолиятни лицензиялаш" Комиссиясига сиқилган газ сотишга олган лицензиясини бекор қилиш тўғрисида таклиф киритилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг геология, ёқилғи-энергетика комплекси, кимё, нефть-кимё ва металлургия саноати масалалари ахборот-таҳлил Департаментига ушбу комплекс чора-тадбирлар ижроси юзасидан ҳар чоракда маълумот бериб борилади.

Ушбу топшириқ ижросини таъминлаш мақсадида автомобилларга газ тўлдириш компрессор шахобчаларида ўтказиладиган режали ва режадан ташқари текширишларда автомобилларга газ тўлдириш жараёни мукаммал ўрганилиб, текшириш далолатномасида юқорида кўрсатилган талабларни бажариш ҳолати тўлиқ ёритилиши ва камчиликлар аниқланган ҳолда автомобилларга газ тўлдириш компрессор шахобчаларининг сиқилган газ сотишга олган лицензиясини бекор қилиш тўғрисида таклиф киритиб борилади.

**Жамол САЛИМОВ,**
**"Ўздавнефтгазинспекция" вилоят ҳудудий бўлими бош технологи.**

# БЕПАРВОЛИКДАН ЎТ ЧИҚАДИ

**Жойларда содир бўлаётган ёнғинларнинг сабаб ва оқибатларини таҳлил этадиган бўлсак, аксарият ҳолларда бундай офатлар ўзимизнинг бефарқлигимиз, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслигимиз туфайли юзага келаётганини кўрамиз. Демакки, ёнғин чиқмаслиги учун огоҳлигимизни кучайтиришимиз керак.**

Ёнғин хизмати ходимлари оловни ўчиришдан кўра, олдини олиш лозимлигини яхши англаган ҳолда тарғибот тадбирларига алоҳида эътибор қаратишади. Шу боис, улар ўзларига бириктирилган ҳудудлардаги ишлаб чиқариш, савдо, саноат ва бошқа тармоқларда ёнғин хавфсизлигига амал қилиш йўл-йўриқларини тушунтириш учун учрашув ва суҳбатлар ташкил этишади. Жойларда газ ва электр манбаларидан ноқонуний фойдаланмаслик, техник талабларга жавоб бермайдиган носоз иситиш ҳамда ёритиш мосламаларини ишлатишнинг олдини олиш мақсадида тегишли идора ва корхоналар, ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда тадбирлар ўтказилади.

Ўйлаймизки, ушбу тадбирлар самараси ўларoқ, аҳолининг эҳтиёткорлиги ошади ва офатларнинг олдини олишга эришилади.

**С. РАҲМОНБЕРДИЕВ,**
**Сергели тумани ЁХБ инспектори.**

## ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ПОЧТАСИДАН

# ДИЛДАГИЛАР ТИЛГА КЎЧГАНДА

***Таҳририятимизга куюнчак газетхонлардан турли мавзуларда, шу билан бирга танқидий руҳдаги кўплаб мактублар келади.***

***Эътиборлиси, уларнинг аксарияти ижобий ечим топиб, аҳоли ўзини қизиқтирган саволларига атрофлича жавоб олаяпти.***

***Қуйида уларнинг бир нечтасини эътиборингизга ҳавола этамиз.***

## ИДОРАГА ҚАТНАЙВЕРИБ ЧАРЧАДИМ

Мен Оққўрғон туманининг "Сувти" маҳалласида яшайман. Ҳеч қандай асоссиз табиий газдан 3.466.284 сўм қарздорлик ҳисобланибди. Ҳолбуки, ҳар ойда почта орқали газ ҳақини тўлайман. Туман газ таъминоти идорасига мурожаат қилдим, лекин улардан ҳеч бири квитанциялар асосида солиштириб, қарздорликнинг асоссиз эканини текшириб бера олмади. У ерга қатнайвериб чарчадим.

Хонадонимни газ тармоғидан узиб кетган ходимларга чора кўрадиган мутасаддилар борми?

**Рустам ТЎХТАБОЕВ,**
**Оққўрғон тумани.**

## «ХАВОТИРГА ЎРИН ЙЎҚ»НИ ЎҚИБ

"Тошкент ҳақиқати"ни катта қизиқиш билан ўқиб бораман. Шу орқали вилоятимиз шаҳар ва туманларида юз бераётган воқеа-ҳодисалар, янгилик, бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларини ўз кўзим билан кўргандек бўламан. Бу эртаю кеч бир жойда ўтирадиган дардманд кишида ҳаётга қизиқиш уйғотади десам, тўғри бўлади.

"Эътироф", "Соғлом она ва бола", "Болалар спорти", "Одамийлик шеваси" рукни билан бериб бориладиган мақолаларни ўқиб, мамлакатимизда она ва бола муҳофазаси, фарзандларимизга кўрсатилаётган эътибор, ғамхўрликдан бошим кўкка етади. Жаҳонда, қўшни давлатлардаги воқеалардан "XXI аср ва дунё"ни ўқиб хабардор бўламан.

Газетанинг 16 январь сонида "Мутахассис шарҳи" рукни билан ажойиб мақола берилди. Ростини айтганда, қизим пойтахтимиздаги кўп қаватли уйлардан бирида яшайди. Зилзила бўлди дегунча, ундан хавотир олардим. Такрорий зилзилалар ҳам юрагимда аллақандай ҳадик уйғотганди. Шундай пайтда, бу мақола айни муддао бўлди. Мутахассис билан суҳбат кўнглимдаги ғашликни тарқатди. Шу билан бирга, зилзилалар ҳақида кўплаб маълумотларга эга бўлдим. Дилингдагини топиб ёзадиган таҳририят жамоасидан миннатдорман.

**Ойсара ЭШОНОВА,**
**Зангиота тумани.**

## ШОВҚИН – СОҒЛИККА ЗАРАР

Ҳар куни ишга келатуриб, жамоат транспортидаги ажабтовур ҳолатларга гувоҳ бўламан. Кўпинча кўчалар, метро ёки автобусларда қулоқларига тиқин тиқиб, ҳеч нарсадан бехабар кетаётган ёшларни кўрамиз. Аслида қулоқни қоматга келтирадиган шовқинлар – кони зарар. Эшитиш қобилиятининг сусайиши ёки умуман ишдан чиқишига шундай кучли овозлар сабаб бўлади. Энди ўзингиз ўйланг, қулоғига овоз кучайтиргич қўйиб, баланд овозли мусиқани тинглаб кетаётган ёшлар аввало, йўлида учрайдиган одамларга ҳам, қолаверса, катта тезликда келаётган автомашиналарга ҳам эътибор бермайдилар. Натижада, кутилмаган автоҳалокатнинг қурбонига айланишлари ҳеч гапмас.

Статистик маълумотларга қараганда, эшитиш қобилияти шикастланганларнинг 30 фоизи ҳаддан ортиқ кучли шовқин оқибатида касалликка чалинган. Қулоққа тиқилган воситаларда шовқин 90-100 децибеллгача кўтарилса, оқибатда кар бўлиб қолиш мумкин экан.

Бундан ташқари, баъзи автоулов эгалари ўзларига ёққан алламбало сигналларни ўрнатиб олишадики, бундай товушдан гангиб қоласан киши. Фикримча, бунга чек қўйиб, автомобилларга ўрнатилаётган сигналларни тартибга солиш зарур. Акс ҳолда, тўсатдан қулоқ остида жаранглаган турли овозлар нафақат эшитиш, балки асаб тизимини ҳам ишдан чиқариши аниқ.

**Илҳом ЮСУПОВ,**
**Оққўрғон агробизнес ва сервис касб-ҳунар коллежи махсус фан ўқитувчиси.**

***Газетхоннинг фикр-мулоҳазаларини эътиборга олиб, турли огоҳлантирувчи сигналлар борасидаги эътирозларига ойдинлик киритиш мақсадида, вилоят ИИБ ЙҲХБ катта инспектори Фарҳод Бобожоновга мурожаат қилдик.***

Унинг таъкидлашича, турли огоҳлантирувчи сигналларни фақат махсус автомобилларга (ички ишлар органлари, ҳарбий автомобиль назорати, корхона ва ташкилотлар, йўл ҳаракати хавфсизлиги патруль ва хизмат автомобиллари, тез ёрдам, ёнғин хизмати, йўл-коммунал ташкилотлари) ўрнатишларига рухсат этилади. Автокорхона ўрнатадиган жиҳозлардан бошқа белги ва сигналлар тақиқланади. Бу тартиб бузилганда Ўзбекистон Республикаси "Маъмурий жавобгарлик тўғрисида"ги Қонунининг 125-моддаси 3-қисмида белгиланган чора қўлланилиб, энг кам иш ҳақининг ярмигача миқдорда жарима солинади.


## ЭЪЛОНЛАР

**Тошкент вилояти ҳокимлигининг Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаментининг "Тошкент вилояти ҳудудида шаҳар ва шаҳар атрофида йўловчиларни ташиш фаолиятини лицензиялаш бўйича комиссияси"нинг 2016 йил 22 январдаги 2-сонли Баённомаси қарори билан:**

**Ўзбекистон Республикаси "Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги Қонунининг 23-моддасига асосан,**

"ITTIFOQ ALFA INVEST" МЧЖга "Тошкент вилояти ҳудудида йўловчиларни шаҳар атрофида енгил автомобилларда ташиш" фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган АТ серияли 000554 рақамли лицензиясининг амал қилиш муддати 2016 йил 23 январдан тугатилди.

**"AUTO TRADE COOPERATION" МЧЖнинг АУКЦИОН САВДОЛАРИГА МАРҲАМАТ!**

2016 йил 16 февраль куни соат 12.00 да бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган такрорий "Очиқ аукцион" савдосига Бўстонлиқ тумани СИБ томонидан хатланган қуйидаги мулклар нархи арзонлаштирилиган ҳолда қўйилмоқда: 1. Бўстонлиқ тумани, Ғазалкент-2 "Мариам текстил сервис" МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган: ЖИБ Паркент тумани судининг 10.11.2014 йилдаги 1-129-2014-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси 5 292 036 сўм бўлган, 1988 йилда и/ч, д/р 10Н921КА, "ВАЗ-21063" р-ли ав-на; 2006 йилда и/ч, д/р 01М028НА, "ГАЗ-322132" р-ли микроавтобус, бошланғич баҳоси - 27 157 656 сўм; 2. "Ғазалкент-Стоун" МЧЖда сақланаётган: Тошкент вилоят хўжалик судининг 05.09.2014 йилдаги 11-1432/5199-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси 37 085 932 сўм бўлган, 1982 йилда и/ч, д/р мавжуд бўлмаган, "КРАЗ-255Б1-КС-4574А" р-ли, 20 тонналик юк ав-на; бошланғич баҳоси 22 236 940 сўм бўлган, 1995 йилда и/ч, д/р 10/301NAA бўлган "КАМАЗ-541000" р-ли юк ав-на; бошланғич баҳоси 7 036 915 сўм бўлган, 1984 йилда и/ч, д/р 10/1468АА бўлган "ОДАЗ-9370" р-ли тиркама.

2016 йил 1 март куни соат 12.00 да бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган такрорий "Очиқ аукцион" савдосига ЖИБ Тошкент вилояти Бекобод туман судининг 11.11.2015 йилдаги 1-400-2015-сонли ижро варақасига асосан, Бекобод туман СИБ томонидан хатланган Бекобод туман ИИБ жарима майдончасида сақланаётган, бошланғич баҳоси 27 522 000 сўм бўлган, 2009 йилда и/ч, д/р 10К955FA, "Дамас" р-ли автомашина қўйилмоқда.

Аукцион савдосига қўйилган автотранспорт воситалари билан туман СИБ вакили иштирокида бевосита танишиш мумкин. Аукцион савдоси ғолиби савдо ўтган кундан бошлаб 5 (беш) банк кун ичида мулк учун тўловларни амалга ошириши лозим. Аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси бошланишидан 1 (бир) кун олдин соат 12:00 да тўхтатилади. Савдолар "AUTO TRADE COOPERATION" МЧЖнинг савдолар залида бўлиб ўтади. Талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлар тузиладиган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Савдо ташкилотчиси"нинг АТБ "INFINbank"даги, МФО 01041, ИНН 302477464, 20208000505015685001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва ариза билан бирга қуйидаги ҳужжатларни топширишлари шарт: жисмоний шахслар - паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати; юридик шахслар - давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ва Устав нусхаси, ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома; чет эл юридик ва жисмоний шахслар - сўмдаги маблағларнинг келиб чиқиши қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумот. Қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади. Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, А.Темур 1-тор кўчаси, 6-уй. Тел.: (95) 177-96-74, e-mail: info@auksion.uz.

Гувоҳнома № 005148.

**"Respublika mulk markazi" AJ "Toshkent mintaqaviy filial" бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Савдога Тошент вилояти ҳокимлигининг 2013 йил 25 июлдаги №207-ф сонли Фармойиши ва 2016 йил 15 январдаги №26-сонли буюртманомасига асосан, Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Тожик кўчаси, 3-уй манзилида сақланаётган, "УАЗ-3303" русумли, давлат рақами 01/216 ТСА бўлган 1993 йилда ишлаб чиқарилган, бошланғич баҳоси - 9 594 023 сўм бўлган техник носоз ҳолдаги автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Аукцион савдолари 2016 йил 24 февраль куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2016 йил 26 февраль куни соат 18:00.

Автотранспорт воситаси 2016 йил 29 февраль куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2016 йил 7 ва 14 март кунлари соат 11:00 да ўтказилади. Аризаларни қабул қилиш: 2016 йил 7 март савдолари учун 4 март куни соат 18:00; 2016 йил 14 март савдолари учун 11 март куни соат 18:00 да тўхтатилади. Савдо ғолибига 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини АИКБ "Ипак йўли банки" Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452142, МФО 01036, ИНН 200933850.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳар, Амир Темур шоҳкўчаси, 19-уй. Телефон: 233-28-52. Расмий сайт. www.rmm.uz.

Гувоҳнома: 001580.

**"KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Такрорий аукцион савдосига Тошкент шаҳар Учтепа тумани СИБ томонидан, 03.02.2011 йилдаги ижро варақасига ва ажримига асосан, 1) Бошланғич нархи - 801 061 213 сўм бўлган; Тошкент шаҳар, Сергели тумани, 2-мавзе, Қора йўл кўчасида жойлашган, умумий майдони 2688 кв.м. бўлган 5-қаватли маъмурий бинонинг 1-қавати, яъни блок "А", 2-корпуси қўйилмоқда. 2) Бошланғич нархи - 675 388 458 сўм; Тошкент шаҳар, Сергели тумани, 2-мавзе, Қора йўл кўчасида жойлашган, умумий майдони 1370 кв.м. бўлган 5-қаватли маъмурий бинонинг 4-5-қаватлари қўйилмоқда. Такрорий аукцион савдоси 2016 йилнинг 16 февраль куни соат 11:00 да Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO" МЧЖнинг АТИБ "Ипотека банк" Шайхонтоҳур филиалидаги ҳисоб рақамига 20208000104931635001 тўлашлари шарт. МФО 00425, ИНН 207128747, ОКОНХ 83400.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатлар расмий иш кунлари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш кимошди савдоси ўтказилишига бир иш куни қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61.

Лицензия: № 0039.

**"VIP REAL ESTATE" МЧЖнинг АУКЦИОН САВДОЛАРИГА МАРҲАМАТ!**

2016 йил 16 февраль куни соат 12.00 да мулкнинг бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошириш тартибида ўтказиладиган "Очиқ аукцион" савдосига ФИБ Оҳангарон туманлараро судининг 21.08.2015 йилдаги 1-4013-15-сонли ижро варақасига асосан Ангрен шаҳар СИБ томонидан хатланган Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри, Боғисурх маҳаласи, Уфқ кўчаси, 1-А уйда жойлашган, умумий майдони 800,0 кв.метр, қурилиш майдони 180,0 кв.метр, 4 та хонадан иборат бўлган хонадон такроран қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси - 42 500 000 сўм. Савдога чиқарилган мулк билан туман СИБ бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва аукцион савдосидан бир кун олдин соат 12.00да тўхтатилади. Аукцион савдоси ғолиби савдо ўтган кундан бошлаб 5 (беш) банк кун ичида мулк учун тўловларни амалга ошириши лозим. Талабгорлар тузиладиган "Закалат келишуви"га асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда Савдо ташкилотчисининг АТБ "InfinBANK"даги 20208000600250595001, МФО 01041, ИНН 302681189 ҳисоб рақамига тўлашлари ва ариза билан қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: жисмоний шахслардан - паспорт нусхаси; юридик шахслардан - давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувохнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда; закалат пули тўлаганлиги ҳақида тўлов ҳужжати; чет эл юридик ва жисмоний шахслар - сўмдаги маблағларнинг келиб чиқиши қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумот. Қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади. Манзил: Тошкент шаҳри, А.Темур 1-тор кўчаси, 6-уй. Телефон: (0595) 143-01-43, e-mail: info@realtors.uz.

Лицензия рақами RR-0173.

Алишер Навоий таваллудининг 575 йиллиги олдидан

# Суйима ҒАНИЕВА: ҒАЗАЛ МУЛКИНИНГ СУЛТОНИГА ЭҲТИРОМ



Навоий айтади: "Ёшлик – ҳаёт гулшанининг баҳори, мана шу пайтдан ҳаётнинг асосини яратишинг керак". Бу фикрнинг замирида катта маъно бор. Инсон умрининг баҳори бўлмиш ёшликни ниҳоятда катта маҳорат билан таърифлайди. Навоий достонларидаги Фарҳод ва Искандарнинг ёшлигини кўз олдингизга келтиринг, қандай чиройли таърифлар битилган.

*Камол эт касбим, олам уйидин,*
*Санга фарз ўлмағай ғамнок чиқмоқ.*
*Жаҳондин нотамом ўтмак биайниҳ,*
*Эрур ҳаммомдин нопок чиқмоқ.*

Ушбу қитъада дунёга келган ҳар бир инсоннинг камолотга эришиши унинг эзгу орзуси бўлиши кераклиги таъкидланган. Шоир бу ёруғ оламга келиб, мақсадсиз яшаган, инсонийлик хислатларидан узоқда бўлган инсон оламни ғамгин, қайғули тарк этишини уқтирган.

Мутафаккир ўз асарларида ёшларнинг тарихни билиши, кимларнинг авлоди эканини теран англаши, она юртга садоқатли бўлиши ҳамда танлаган соҳасида фидойилик, жасорат кўрсатишини алоҳида таъкидлайди...

1956 йили "Алишер Навоийнинг "Мажолис ун-нафоис" тазкираси" мавзуида ёқлаган номзодлик диссертациям мени бир умр Навоий ижоди билан боғлади. Шоир нафосати, беназир асарлари таҳлилига бағишланган қатор тадқиқотларим дунё юзини кўрди.

Бадиий адабиёт равнақида улуғ шоир, мутафаккир Алишер Навоийнинг ҳиссаси ғоят улкан. У бутун ҳаёти давомида инсоннинг бахту саодати учун курашган, халқнинг осойишталиги, илм-фан, санъат ва адабиёт тараққиёти йўлида фидойилик кўрсатган. "Хамса", "Хазойин ул-маоний", "Маҳбуб ул-қулуб", "Лисон ут-тайр" асарларида шоирнинг маърифатпарварлик ғоялари, қарашлари мужассам. Айниқса, "Маҳбуб ул-қулуб"ни ҳазратнинг ғоят мазмунли ва сермашаққат ҳаёти давомида тўплаган бой тажрибаси, хулосаларининг йиғиндиси дейиш мумкин.

Навоий шахсияти ва ижодини ҳар томонлама ўрганиш у яшаган даврдан бошланган бўлса, навоийшунослик адабиётшуносликнинг алоҳида тармоғи сифатида ўтган асрдан бошланди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида Навоий абадияти, унинг бебаҳо мероси халқимизга тўла қайтарилди. Юртбошимиз истиқлолнинг дастлабки кунларидаёқ, Навоийни чуқурроқ ўрганайлик, унинг асарларини ёшларга етказайлик, деб таъкидлагани бежиз эмас. Бу эзгу ният замирида улуғ бобокалонимиз асарларини ўрганиш улкан ижтимоий вазифа, умуммиллий бурч экани мужассамдир.

Истиқлол йилларида Навоий асарлари кўпжилдлиги икки марта нашр этилди. "Хамса" достонлари насрий баёни билан бирга ўқувчилар қўлига етказилди. "Хазойин ул-маоний" луғат ва изоҳлар билан қайта нашр этилди. Навоийшуносларимиз томонидан қатор тадқиқотлар амалга оширилди.

Ҳар бир йигит-қиз улуғ аждодимиз ижодини ўрганиши лозим.

Президентимиз таъкидлаганидек, "Инсон қалбининг қувончу қайғусини, эзгулик ва ҳаёт мазмунини Навоийдек теран ифода этган шоир жаҳон адабиёти тарихида камдан-кам топилади. Она тилига муҳаббат, унинг беқиёс бойлиги ва буюклигини англаш туйғуси ҳам бизнинг онгу шууримиз, юрагимизга, аввало, Навоий асарлари билан кириб келади. Биз бу бебаҳо меросдан халқимизни, айниқса, ёшларимизни қанчалик кўп баҳраманд этсак, миллий маънавиятимизни юксалтиришда, жамиятимизда эзгу инсоний фазилатларни камол топтиришда шунчалик қудратли маърифий қуролга эга бўламиз".

Навоий хушфеъллик, камтарлик, ширинсўзлик, айниқса, ота-онага, ёши улуғларга ҳурмат-эҳтиром билан муносабатда бўлишни комиллик сифати, деб билади. Инсон учун икки жаҳоннинг обод бўлиши ота-онасининг рози-ризолигига боғлиқ, бунинг учун ота олдида бошни фидо, она бошига жисмни садақа айласа арзийди, деб ҳисоблайди.

Ҳозирги глобаллашув даврида Алишер Навоийнинг инсонпарварлик, баркамоллик, одоб-ахлоқ, беғубор ва покиза туйғулар улуғланган асарлари ҳар қачонгидан долзарб аҳамиятга эга. Шоир асарларида улуғланган оналар соғлиғини асраш, болалар баркамоллигини таъминлаш, юрт равнақи, осуда ва фаровон ҳаёт, жамиятдаги барқарорлик, ўзаро тотувлик ва аҳиллик, меҳр-оқибат, оила, оналик ва болаликни қадрлаш каби эзгу ғоялар мамлакатимизда қабул қилинган Давлат дастурларига тўла ҳамоҳангдир.

Истиқлол туфайли Алишер Навоий ҳаёти ва ижодига бағишланган маданий-маърифий тадбирлар, илмий-амалий анжуманлар, давра суҳбатлари ўтказиш анъанага айланди. Бу тадбирлар халқимизнинг ғазал мулкининг султонига эҳтироми ифодасидир.

Шу кунларда буюк мутафаккир таваллудининг 575 йиллигига пухта тайёргарлик кўрилмоқда. Бу жараёнда бир қатор илмий-маърифий тадбирлар ўтказилади.

Буюк бобомизнинг таваллуд кунини кенг нишонлаш биз учун чексиз ифтихор, улкан маънавий булоқдан яна бир карра қониб сув ичиш демакдир.

**ЎзА мухбири Азима ҚИЁСОВА ёзиб олди.**

(Давоми. Боши 1-бетда).




## ТАЙВАНДА КУТИЛМАГАН СОВУҚ

**Ушбу мамлакат иқлимига хос бўлмаган фавкулодда паст ҳарорат – +4 даража иликлик ўнлаб кишиларнинг ҳаётдан бевақт кўз юмишига сабаб бўлди.**

ТАСС шу ҳақда тарқатган хабарда айтилишича, Тайванда кейинги 43 йил давомида бундай паст ҳарорат кузатилмаган эди. Агентликнинг таъкидлашига қараганда, ҳаводаги юқори намлик оқибатида бир неча дақиқа ичида қаттиқ шамоллаб қолиш ҳеч гап эмас. Шу боис, умумтаълим мактабларида машғулотлар тўхтатилди. Қутқарув ташкилотларига тинимсиз телефон қўнғироқлари бўлиб турибди. Ушбу хизмат камида 85 кишининг паст ҳарорат сабабли ҳалок бўлганини рўйхатга олди.

## ЮЗ ЙИЛДАН КЕЙИНГИ БИРИНЧИ ҚОР

**Японияннинг "Киодо" агентлиги тарқатган хабарда айтилишича, мамлакатнинг ғарб ва жануб қисмида кучли қор ёққани сабабли юзлаб фуқаролар жабрландилар, ҳатто қурбон бўлганлар ҳам бор.**

Кунчиқар мамлакатнинг ғарбий қисмида рекорд даражада паст ҳарорат кузатилди. Амами-Осима оролида кейинги бир аср давомида биринчи марта қор ёғди. Аввалги шундай ёғин 1901 йилнинг 12 февралида юз берганди.

Ноқулай об-ҳаво шароити туфайли йўл-транспорт ҳодисалари кескин кўпайиб, одамлар жароҳат олмоқдалар. Бундай нохуш об-ҳаво шароитига тайёр бўлмаган хонадонларда ўлим ҳолатлари ҳам юз бермоқда. Кюсю оролидаги Нагасаки шаҳрида қорнинг қалинлиги 16 сантиметрга етди. Анча кексайиб қолган чол-кампир кутилмаган қорни кураймам деб, сув тўпланадиган каналга тушиб кетиб, ҳалок бўлишди.

Субтропик иқлимга хос бўлмаган вазият туфайли Японияда 166 та авиарейс бекор қилинди.

## БЕЗГАК КАСАЛИ ИККИ БАРАВАР КАМАЙДИ, БИРОҚ...

**Британия ҳукумати ҳамда Билл ва Мелинд Гейтслар жамғармаси яқин беш йил давомида безгак касалига қарши курашиш учун 4,5 миллиард доллар ажратишадиган бўлди.**

Microsoft компаниясининг асосчиси ва Бирлашган Қироллигининг молия вазири Жорж Осборн Times газетасида мақола эълон қилишди. Гап шундаки, олимлар безгак вирусини тарқатувчи искабтопар чивинга қарши ўргимчаклар воситасида курашиш кераклигини тавсия этишмоқда. "Биз умид ва ишонч билан айта оламизки, безгак ҳамда ўлим келтирувчи тропик касалликларни бутунлай тугатиб, бу ёруғ дунёни ҳамма учун хавф-хатарсиз қила оламиз", дейилади қўшма мақолада.

Британия ҳукумати беш йил давомида ушбу мақсадлар учун йилига 500 миллион фунт-стерлинг ($715 млн.) ажратади ва бу маблағни британиялик олим Рональд Росс номидаги фондга йўналтиради. Ушбу олим безгак касалини тарқатувчи чивинлар эканини амалда исботлагани учун 1902 йилда Нобель мукофотини олган эди.

Осборн ва Гейтснинг таъкидлашларига қараганда, безгак касали ер юзида ҳар дақиқада бир боланинг умрига зомин бўлмоқда. Аммо, халқаро ҳамжамиятнинг ушбу хавфли хасталикка қарши жиддий кураш олиб бораётгани бесамар кетмаяпти. Хусусан, кейинги 15 йил ичида безгакдан ҳалок бўлиш икки баравар камайди.

## КИР ЮВИБ, ЮТУҚЛИ ЛОТЕРЕЯСИДАН АЙРИЛДИ

**Англиянинг Вустер шаҳрида яшовчи аёл кир юваётиб, 33 миллион фунт стерлинг ($ 47 млн.) ютуқ чиқиши керак бўлган лотереясидан айрилиб қолди.**

Worcester News газетаси шу ҳақда тарқатган хабарда айтилишича, исм-шарифи сир тутилаётган аёл жинси шимни ювиб бўлганидан сўнг унинг чўнтагидан лотереяни топиб олди ва шу заҳотиёқ уни соч қуритадиган восита ёрдамида қуритишга киришди. Бироқ, сув тегиб, эзғиланган лотерея анча уринган экан. Шунга қарамай, ютуқ чиққан 26, 27, 46, 47, 52 ва 58 рақамлари, шунингдек, лотерея ўйналадиган 2016 йил аниқ кўриниб турарди. Фақат ўйин ўтказиладиган кун, серия рақами ва штрих-код ўчиб кетган экан. Бахтли лотерея эгаси ушбу реквизитларсиз ютуқни олиши гумонлигини тушуниб, лотереяни ўйинга чиқарган Camelot компаниясига мурожаат қилди. У ердагилар лотерея қандай қилиб шу ҳолга тушганини ёзма равишда тўлиқ баён этишни сўрашди. Аёл компаниянинг бу талабини дарҳол бажарди.

Қоида бўйича ютуқ эгаси шу йилнинг 7 июнига қадар бахтли лотерея билетини тақдим этиб, ютуқни олиш ҳуқуқига эга. Демак, энди аёл қарийб ярим йил давомида компаниянинг қандай қарорга келишини ҳаяжон ва сабрсизлик билан кутишга мажбур.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

Bolalik bog`i

## KENJATOY

Inoyat opaning tobi qochib, ishdan erta qaytdi. Ertalab molholga qaragan, tandirga o`t qalab, non yopgan edi. Ishga borgach esa...

Ona indamay karavotiga cho`zildi. Ayvonda Ulug`bek bir quloch qog`oz yoyib, varrak yasar, qamishlar har tarafga sochilgan edi. Ichkarida Nilufar yostiqcha tikaman deb qiyqimlar solingan xaltachani ag`dargan...

Kichkina Diyorbek esa rangli qalamlarini qo`yib, onasining ustiga adyol yopdi. Bir piyola choy bilan tokchadagi dorini keltirdi.

Aka-opa ariqdagi suvga supurgi ho`llayotgan ukalariga qarab, uyalib qolishdi. Inoyat opa kenjatoyini erkalab qo`ydi.

**Muhayyo TO`LAGANOVA.**

Шахмат

## ШАХМАТЧИЛАР ОЛИЙ ЛИГАНИ КЎЗЛАМОҚДА

**Шахмат бўйича Ўзбекистон чемпионати биринчи лигаси баҳсларида саксон шахматчи ғолиблик учун дона сурмоқда.**



Эркаклар ўртасидаги ярим финал баҳсларида Абдумалик Абдусалимов, Одил Раҳмон, Саидакбар Сайдалиев, Руслан Ниёзматов, Элбек Жуманов, Жамшид Шодиқулов каби йигирма бир шахматчи дастлабки партияни ўз фойдасига ҳал қилди. Олти нафар шахматчи дуранг ўйнади.

Қизлар ўртасидаги финал мусобақасида Мафтуна Маматқулова, Нилуфар Ёқуббоева, Гулҳаё Нарзиқулова, Шаҳноза Турсунова, Светлана Чайкина, Моҳим Оразмуҳаммедова, Асал Салимова сингари ўн олти шахматчи биринчи турда ғалаба қозонган бўлса, Умида Чоршанбиева ва Азиза Очилова ўзаро дуранг натижа қайд этди.

**Б. АЙТМУРОДОВ, ЎзА мухбири.**

Одамийлик шеваси

## БАДНОМЛИККА ЧИДАШ ҚИЙИН

Баҳорнинг илк кунлари. Ҳаво илиқ туюлса-да, шабада этни жунжитади. Эндигина ниш уриб, кўкка интилаётган баравж майсаларга инган тонгги шабнам қуёшнинг заррин нурларида биллурдек товланади. "Борлиқнинг беназир бу мўъжизаларидан баҳра олишга мен – бебахт лойиқ эмасман", дегандек Насиба тоғ чўққиларига ўйчан термулади.

Нима қилсин шўрлик? Борини ўз ҳолича қолдирсинми? Унда, қандай қилиб бош кўтариб юради?.. Адоқсиз саволларга жавоб тополмай, караxт қолган ожиза не-не сир-синоатларга гувоҳ бўлган салобатли тоғлар қучоғидан Дилмурод айтиб берган ўша афсонавий муҳаббат қаҳрамонларини ахтара бошлади.

Во дариғ! Насиба нега бирдан Дилмуродни эслаяпти? Ахир кечагина уни назарга илмай, шўрликнинг булоқ сувларидек тиниқ муҳаббатини ўзича эрмак қилиб юрмаганмиди? Нега энди бугун ўз-ўзидан уни қўмсаб қолди?

Хаёл отига минган Насиба Дилмурод иккиси бирга ўтказган дамларни эслай бошлади. Ҳаммаси унинг ёдидан аламли тушдай бирма-бир ўтарди.

Бир сафар улар ҳув анави чўнг дарахт соясида тоғларга тикилиб ўтириб, суҳбатлашишганди. Йигит жуда босиқ, қиз бўлса анчайин шаддод эди. Йигит қизнинг назарида бошқаларга ўхшамасди. Қандайдир бўшанг, ландавурдек туюларди. Аслида Дилмурод мулоҳазали, кўп қийинчилик кўрган йигит эди. Ўша куни Насиба тоғларга қараб ўтирганча, Дилмуроднинг мунгли муҳаббат достонини тинглаганди.

– Бу воқеа қайси даврда бўлган, буниси менга қоронғи, аммо бўлган воқеаки, шунча даврдан бери яшаяпти, – дея сўз бошлаганди Дилмурод ўшанда. – Қадимда икки қабила ўртасида қандайдир тушунмовчилик ўтиб, бир-бирларига қасдлашиб қолишибди. Бироқ, ўша даврда ҳам муҳаббат бор экан. Худди бизникидай, эшитаяпсанми, Насиба?

– Ҳа, эшитаяпман, айтавер.

– Ёш йигит билан қиз бир-бирларини қаттиқ севишиб, бирга ҳаёт кечиришга аҳду паймон қилишибди. Кунларнинг бирида урф-одатлари бўйича йигит қизни ўғирлаб кетибди. Бироқ, улар олдинда ўзларини нималар кутаётганини билишмасди, беҳад бахтиёр эдилар.

Афсуски, уларнинг қувончлари кўпга чўзилмабди. Ўша куннинг ўзида ҳар икки тараф вакиллари уларни топиб, оломон олдига олиб келишибди. Шунда кўпчилик: "Энди ўртадаги гина-кудурат унутилиб, қуда бўлдик", деб турган дамда қиз тарафдаги бир гуруҳ ғаламислар йигитни айблаб, уни ўтда куйдиришни талаб қилишибди ва ўртага қуриган ёғочларни уюб, унга йигитни боғлашибди. Йигит тарафдан бир қария чиқиб, ёшлар учун афв сўрабди. Шунда йигит: "Йўқ, ота, ундай қилманг. Бир мени сақлаб қоламан, деб бутун бошли қабила шаънига путур етказасиз. Чунки булар кейин бизларни турикқсиз, лафзсиз дейишади. Сиз яхшиси бир сўзли қабила шаънини сақлаб қолинг. Шунда миллат боқий яшайди", дебди. Йигитнинг бу сўзларини эшитган қиз ҳам у билан бирга куйиб, кул бўлиш учун унинг ёнига отилибди. Ғаламислар икки қабила ўртасидаги низони янада кучайтириш илинжида уларни ёқиб юборишибди...

– Бўлди, бас, тўхтат эртагингни! Ортиқ тинглашни истамайман.

– Афсонавий қисматни тинглашга бардошинг етмаса, ўзинг тақдир зарбаларига қандай чидамоқчисан?

– Майли, айтавер.

– Хуллас, аланга кучайиб борар, бироқ йигит ва қизнинг изтиробли ҳайқириқлари эшитилмабди. Бирданига олов вулқондек отилиб, томоша қилаётганларга ҳам, алангани ўчиришга интилганларга ҳам сачрай бошлабди. Одамлар: "Бу ножоиз ишга Яратганнинг қаҳри келди", дея қўрқиб, уйларига қочишибди.

– Йигит билан қизчи?

– У ёғини айтмайман.

– Нега?

– Ўзинг ҳозиргина: "Айтма, эшитишни истамайман", дединг-ку!

– Уларнинг ҳоли не кечганига қизиқаяпман.



– Майли, эшит. Қўрқувдан ҳамма уй-уйига қочиб, оловда ёнаётган ёшлар ҳоли не кечганини, ҳеч ким билмабди. Кимлардир улар шу тоғларда ҳали-ҳануз бирга умр суради, чунки она Ер уларни оловдан асраб қолган дейишади. Хуллас, севишганларнинг кейинги қисматлари ҳақида аниқ гап йўқ...

Мана энди, Насиба ўша тоғларга ёлғиз тикилиб ўтирибди. Бошқа чораси ҳам йўқ. У туғилиб ўсган қишлоғига қайтиб бора олмайди. Чунки, айбдор: кўксида бир эмас, икки юрак гурсилламоқда. Насиба уларга қулоқ тутганича, яна ўтган кунларини эслай бошлади. Покиза қалбли бир йигитнинг соф муҳаббати уволига қолганини фаҳмлаб, бармоғини тишлади. Афсус, энди кеч...

Бирдан Насибанинг нафаси бўғилиб, юраги безовта ура бошлади. Кўз олди қоронғилашиб, ҳушсиз йиқилди-ю, еттинчи фалакда учишга тушди. Чор-атрофни зулмат босган. Олис-олисларда биргина ёруғлик ғира-шира кўзга ташланади. Насиба жон ҳолатда ўша томонга талпинади. Ёруғлик эса, борган сари узоқлашиб, кичрайиб бормоқда. Қандайдир ғайритабиий товушлар қулоғига чалинмоқда. Улар орасидан таниш бир сас унга яқинлашаётгандек эди, гўё. Ана, энди у аниқ эшитила бошлади. У кўксидаги туғилмай, хазон бўлаётган дилбандининг нидоси эди: "Қани сизлар кўрган сўнгсиз олам? Қани кенг, гўзал замин? Бизга у ерларда қувнаб-яшнаб юришни эмас, йиғлаб туғилишни ҳам раво кўрмадингиз. Биз на киндик қонимиз тўкилган тупроқни биламиз, на Ватанни танийимиз. Буларнинг барчасидан бизни сизлар мосуво қилмоқдасизлар!"

Насибанинг совиб бораётган вужудида бир эмас, икка юрак ҳаёт учун курашаяпти. Дилмурод айтиб берган мангу муҳаббат достони қаҳрамонлари бадном онанинг кўз олдига келди. Қандай бахтли улар...

**Юнус БЕК.**

Бу – қизиқ



● Дунёдаги энг катта чиқиндилар полигони АҚШнинг Fresh Kills ҳудудида жойлашган. Полигон 1200 гектар майдонни эгаллаган, бу 1700 та футбол майдони демак. Ҳар куни бу ерга 13 минг тонна чиқинди олиб келиб ташланади.

● Америкада 75 фоиз кераксиз идора қоғозлари қайта ишланади. Кунлик газеталарни чиқариш учун 500 минг дарахт кесишга тўғри келади. Экологларнинг фикрича, 1 тонна ишлатилган қоғозларни қайта ишлаш 1 дарахтни сақлаб қолишга имкон берар экан.





● Денгизга тушаётган елим идишлар ҳар йили 1 миллионга яқин денгиз ҳайвонларини нобуд қилмоқда. Биргина Американинг ўзида ҳар соатда 2,5 миллион дона елим идишлардан фойдаланишади. Уларнинг кўпи чиқиндига жўнатилади. Дунё бўйича битта оила бир йилда ўртача 500 та елим идишлардан фойдаланади.

Рассом ҳандаси



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Электрон почта: thaqiqat@umail.uz

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-38-23, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 233-56-03, 233-65-59.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Сайёра РИХСИЕВА
Навбатчи Муқаддас ИСРОИЛОВА
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма S-4991. Адади 13599. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.15.